



**Fidoyilik –  
Vatanga xizmat demak!**

# Zarafshon

www.zarnews.uz  
https://www.facebook.com/zarnews.uz  
@zarnews\_uz  
https://twitter.com/zarnews\_uz

**Кун ҳикмати**

Камтарликка  
фақат ақл-у  
фаросат  
билан  
эришиш  
мумкин.

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

E-mail: zarafshong@mail.ru



Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг

2020-yil 20-dekabr, yakshanba, 148 (23.428)-son

## ХАЛҚИМИЗГА ҲАЛОЛ ХИЗМАТ ҚИЛИШ, УЛАРНИНГ РОЗИЛИГИГА ЭРИШИШ – АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ

Самарқанд вилояти ҳоқими Эркинжон Турдимовнинг вилоятда 2020 йилда амалга оширилган асосий ишлар якуни ва 2021 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишлари бўйича аҳолига

### М У Р О Ж А А Т И

**Ассалому алайкум, ҳурматли сессия қатнашчилари!**  
**Ҳурматли сенатор ва депутатлар!**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан илк маротаба ҳокимларнинг кенг жамоатчилига вилоятда 2020 йилда амалга оширилган асосий ишлар якуни ва 2021 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларига бағишланган мурожаатномаси тақдим этилмоқда.

Президентимизнинг **“пандемия шароитида яшаш ва ишлашга ўрганишимиз керак”** деган фикрлари асосида қанчалик қийин бўлмасин, бу йил учун белгиланган устувор вазифаларимизни том маънода ундадиқ, десак муболага бўлмайди.

**Азиз дўстлар!**

Қайси бир жойда ибратли бир иш бўлса, у кенгашилган тадбирнинг натижаси эканига гувоҳ бўламиз. Бу бежиз эмас. Зотан, биз улғувор ўтмишимиздан шундай сабоқ олганмиз.

Шу ўринда соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг **“Салтанат ишларининг тўққиз улушини машварат, тадбир ва кенгаш билан бажо келтириш зарур”** деган фикрини ёдга олиш ўринли, деб биламан.

Фуқароларимиз билан доимий мулоқот олиб бориб, ҳар бир соҳа ва тармоқ бўйича бевосита учрашувлар, маслаҳат ва фикр алмасувлар ўтказилган ишхоналаримизни юксак даражада амалга оширишга хизмат қилаётганини кўриш мумкин.

Жаҳон миқёсида юзага келган коронавирус пандемияси режаларимизни амалга оширишга ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмади.

Давлатимиз раҳбари ҳамда ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган оқилона сиёсат, ўз вақтида қабул қилинган фармон ва қарорлар ҳамда бу борада белгиланган чора-тадбирлар пандемиянинг салбий таъсирини юмшатишга хизмат қилди.

Хусусан, жорий йилнинг 19 март куни Президентимиз фармони билан Молия вазирлиги ҳузурида 10 триллион сўм бюджетга эга бўлган **Инқирозга қарши курашиш жамғармаси** ташкил этилиб, ушбу жамғармадан **вилоятимиз учун 637,4 миллиард сўм** маблағ ажратилди.

Жумладан, 147,3 миллиард сўм коронавирус инфекциясининг тарқалишига қарши курашиш тадбирларига, 334,8 миллиард сўм инфратузилмавий лойиҳалар ва инвестиция дастурларини амалга оширишга, 122,7 миллиард сўм кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш учун ҳамда 32,5 миллиард сўм аҳолининг ўзини-ўзи банд қилиш ва ишсиз фуқароларни қисқа муддатли жамоат ишларига жалб этиш учун йўналтирилди.

Шунингдек, пандемия даврида иқтисодиёт тармоқларининг узлуқсиз ишлашини таъминлаш ҳамда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида давлатимиз раҳбарининг фармон ва қарорларига асосан, тадбиркорлик субъектларига бир қатор имтиёз ва энгилликлар берилди.

Бу имтиёз ва энгилликлар натижаси ўлароқ 19,5 мингта яқка тартибдаги тадбиркор, 37 мингта микрофирма ва кичик корхоналарга 272 миллиард сўмлик солиқ имтиёзлари қўлланилган бўлса, 265 та хўжалик юритувчи субъектнинг 7,8 миллиард сўм солиқ тўлови муддати кечиктирилди, 3360 та корхонанинг 1,4 миллиард сўм солиқ қарзи ва пеняси ҳисобдан чиқарилди. Шу билан бир қаторда 1540 та кичик тадбиркорлик субъекти 7,1 миллиард сўмлик мол-мулк ва ер солиқларини тўлашдан озод этилди.

Карантин сабабли фаолиятини вақтинча тўхтатишга мажбур бўлган 11,2 мингта яқка тартибдаги тадбиркорга 17,5 миллиард сўм солиқ тўлови, 776 та тадбиркорлик субъекти учун 1,3 миллиард сўмлик давлат мулк ижараси тўлови ҳисобланмаган бўлса, 8276 та кредит шартномалари бўйича тадбиркорларнинг 1 триллион 443 миллиард сўмлик кредит тўловлари муддати узайтирилди.

**Ҳурматли депутатлар!**

Пандемия шароитига қарамадан sanoat, kapital қурилиш, транспорт-коммуникация, сер-



**Ҳурматли сессия иштирокчилари!**

Бугун биз, сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва соҳага бозор механизмларини жорий қилиш борасида амалга оширилаётган изчил чора-тадбирларни алоҳида қайд этишимиз лозим. Бу йилги мавсум қандай оғир ва мураккаб кечганини ҳаммамиз яхши биламиз. Айниқса, пандемия шароитида ишни тизимли ташкил этишда, табиат инжиқликлари – баҳорнинг ўта серёгин келгани, ёз фаслидаги жазирама иссиқ, кузда эса ёгин-сочининг барвақт бошлангани қишлоқ хўжалиги соҳасини яна бир жиддий синовдан ўтказди.

Ана шундай қийинчиликларга қарамадан, вилоятимиз бўйича **684,5 минг тонна галла, 223,3 минг тонна пахта, 1,6 миллион**

**тонна сабзавот, 630 минг тонна картошка, 126,1 минг тонна полз маҳсулотлари, 354,4 минг тонна мева, 600 минг тонна узум, 2,8 минг тонна пилла, 201,3 минг тонна гўшт ҳамда 1 миллион 400 тонна сут** тайёрлашга эришилди.

Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қаратилган 236,3 миллиард сўмлик 139 та лойиҳа амалга оширилди.

Австрия, Германия, Нидерландия, Дания давлатларидан 3,1 минг бош наслли қорамол келтирилиб, улардан юқори маҳсулдор насл олиш ишлари ташкил этилди.

Маҳсулдорлик ва меҳнат унумдорлигини ошириш мақсадида Тойлоқ, Оқдарё ва Жомбой туманларида чорвачиликда озиклантириш, сут соғиш ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича замонавий технологиялар ўрнатилиб, ишга туширилди.

2020 йилда аҳоли хонадонларидаги 69,6 минг гектар томорқа ерларида мавсумий экинлар экилиб, жами 1,4 миллион тонна ҳосил олинди. 6 минг 336 хонадонда аҳолининг ўз маблағи ва имтиёзли кредитлар ҳисобига энгил конструкцияли иссиқхоналар қурилди.

Аҳоли томорқа ерларидан самарали фойдаланиш, уларга кўмаклашиш мақсадида “Томорқа хизмати” масъулияти чекланган жамиятлари ташкил этилиб, уларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланмоқда.

“Томорқа хизмати” МЧЖларида йиллик қуввати 1,5 минг тоннага тенг 7 та совутиш ва **950 тонна маҳсулот сақлаш омборхоналари** ташкил этилди. Улар томонидан аҳоли томорқаларида етиштирилган 5,5 миллион долларлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт қилинишига эришилди.

Ҳозирги кунда вилоятимиз бўйича **44 та кластер (10 та пахта-тўқимачилик, 15 та галлачилик, 13 та мева-сабзавотчилик, 5 та картошкачилик ва 1 та доривор ўсимликларни етиштирувчи)** фаолияти йўлга қўйилиб, уларга 151,9 минг гектар ер майдони бириктириб берилди.

Жорий мавсумда етиштирилган пахта хомашёси тўлиқ пахта-тўқимачилик кластерлари ҳиссасига тўғри келгани, хусусан, Каттақўрғон, Пахтачи, Иштихон ва Нуробод туманларида бу борада эришилган юксак натижалар тизимнинг қанчалик самарали эканини амалда исботламоқда. Натижада пахтадан гектарига ўртача ҳосилдорлик ўтган йилги 23,6 центнер ўрнига 29,5 центнерга етди.

Жорий йилда Жомбой туманида 24 гектар майдонда лойиҳа қиймати 10,5 миллиард сўмга тенг, йиллик қуввати 2 миллион донга қўчат етиштиришга мўлжалланган, илғор инновацион технологиялар билан жиҳозланган, Марказий Осиёда ягона “In-vitro” лабораторияси фаолияти йўлга қўйилди.

Экин майдонларини сув билан кафолатли таъминлаш мақсадида бу йил давлат бюджетидан 137,3 миллиард сўм ёки 2019 йилга нисбатан 1,2 марта, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун эса 30,4 миллиард сўм ёки 1,3 баробар кўп маблағ ажратилди.

19 декабрь куни халқ депутатлари вилоят Кенгашининг ўн тўққизинчи сессияси бўлиб ўтди.



Сессияда депутатлар билан бирга вилоятдан сайланган Олий Мажлис Сенати аъзолари, сектор раҳбарлари, бошқарма ва идоралар масъуллари, ҳоким ўринбосарлари, фаоллар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди. Видеоселектор тарзида ўтказилган сессия жараёнларини туман ва шаҳарлар сектор раҳбарлари, депутатлар ва фаоллар, ижтимоий тармоқлар орқали кенг жамоатчилик кузатиб борди.

Сессиядан сизлар билан кенгашимиз, машваратимиздир. Шу ўринда соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг “Салтанат ишларининг тўққиз улушини машварат, тадбир ва кенгаш билан бажо келтириш зарур” деган фикрини ёдга олиш ўринли деб биламан.

Шундан сўнг вилоят ҳоқими 2020 йилда амалга оширилган ишлар юзасидан батафсил маълумот берди. Ҳар бир соҳа бўйича йил бошида бел-

гиланган вазифалар ва уларнинг ижросига тўхталди. Ўз навбатида 2021 йил режалари, кўзда тутилган лойиҳалар ҳақида сўз юритди.

Белгиланган вазифаларни амалга оширишда ҳокимлар, мугасадид идоралар раҳбарларидан шахсий масъулият талаб этилиши таъкидланди.

Сессиядан сўнг ташкил этилган матбуот анжуманида вилоят ҳоқими Э.Турдимов



Вилоят ҳоқими Эркинжон Турдимов вилоятда 2020 йилда амалга оширилган асосий ишлар якуни ва 2021 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишлари бўйича аҳолига мурожаат қилди.

– Президентимиз ташаббуси билан бу йил мамлакатимизда илк бор ҳар бир ҳудуд раҳбари – ҳокимлар якунига етаётган йилда амалга оширилган ишлар ва келгуси йил режалари юзасидан халқимизга мурожаат қилмоқда, – деди Э.Турдимов. – Шу пайтгача вилоятимизнинг барча туман ва шаҳар Кенгашлари сессияларида ҳокимлар аҳолига мурожаат қилди. Бугун вилоят бўйича ишларимизни таҳлил қилиб, келгуси йил режалари ҳақида халқимизга маълумот бермоқчимиз. Бу бундан – раҳбарларнинг халқимиз олдидаги ўзига хос ҳисоботимиз, қолаверса, келгуси йил режалари

журналист ва блогерларнинг саволларига жавоб берди.

– Мурожаатда айтган фикрларимиз, келгуси йил учун устувор йўналишларимизни амалга оширишда оммавий ахборот воситалари вакиллари, ижтимоий тармоқлар фойдаланувчиларини ҳам фаол иштирок этишга чақираман, – деди анжуман якунида Э.Турдимов. – Чунки, бу жараёнда жамоатчилик назоратининг ўрнатилиши барча вазифаларнинг очик ва ошқора, ўз вақтида бажарилишига ёрдам беради.

## Байрам дастурхонига арзон гўшт маҳсулотлари

Самарқанд шаҳрида аҳолига сифатли ва арзон гўшт маҳсулотлари етказиб бериш мақсадида махсус жиҳозланган 10 та кўча дўкон фаолияти йўлга қўйилди. Бош прокуратура ҳузуридаги иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти Самарқанд шаҳар бўлими ташаббуси билан ташкил этилган мазкур дўконларда бир кунда ўртача 2,5–3 тонна сифатли ва арзон гўшт маҳсулотлари сотилмоқда.



Аҳамиятлиси, кўча дўконлар тасдиқланган дислокация асосида шаҳарнинг ҳар бир маҳалласига кириб боради. Яна бир муҳим томони, сотилаётган гўшт маҳсулотлари замонавий ихтисослаштирилган қушхоналарда тайёрланиб, санитария-гигиена талабларига риоя қилган ҳолда кўча дўконларга юкланмоқда.

**Бобур ХОЛМУҲАМЕДОВ,**  
Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти вилоят бошқармаси катта инспектори.





Кўпинча севги, муҳаббат, садоқат деган тушунчалар фақат дostonларда, китобларда ва киноларда бор. Ҳаётда буларни учратиш жуда қийин ёки йўқ деб ўйлаймиз. Уларнинг ҳаммаси ҳаётдан олинганлигини унутиб қўямиз.

Ваҳоланки, бугун ҳам орамизда ана шундай инсонлар бор.

Мен севги ва садоқат тимсоли, орамизда юрган оддийгина шифокор, акамнинг турмуш ўртоғи, янгам Гулнора Мирова ҳақида сизларга айтиб бермоқчиман.

...Гулнора Регистонда вояга етган. Онаси Оқиной хола моҳир тикувчи бўлиши баробарида беш қизни эпни, рўзғорбоп қилиб тарбиялади. Отаси, уруш қатнашчиси Саъдулла бобо узоқ йиллар "Кинап" заводда ишлади, меҳнати эвазига оилани тебратди, фарзандларини қаноатга ўргатди. Шу сабабли Гулнора яхши тарбия олди, илмга чанқоқ, одобли бўлиб вояга етди. Самарқанд тиббиёт институти даволаш факультетига ўқишга кирган йиллик ўзбек ва рус тилларини яхши билиши, илгор фикрлари боис тендошларига ибрат бўлди.

Ўқиш жараёнида бу фаол талаба Пахтачидаги Қарнаб қишлоғидан келган ана бир зукко талаба Салимжон Хайриев билан танишиб, улар бир-бирига астойдил кўнгил қўйиб, дарсларни ўзлаштириш, касбини эгаллашда ҳам бирга ҳаракат қилдилар.

Аммо уларнинг турмуш қуриши осон кечмади. Саъдулла бобо оиласи оддий бўлса-да, тўнғич қизини вилоятнинг энг чекка қишлоғига келин бўлиб тушишига мойиллиги йўқ эди. Қудаларнинг узоқ мулоқоти ва қизнинг қатъий сўзи тўғрисида, ниҳоят 1970 йилда никоҳ тўйи бўлди. Ана шу санага ёзда 50 йил тўлди!

1971 йилда институт икки битирувчиси - ёш келин-куёвни Қашқадарёга юборишди. Улар эътироз билдиришмай, олис манзилга йўл

## Садоқатга тимсол янгажон

олий тоифали шифокор Гулнора Мированинг сиймосига чизгилар

олишиди. Ҳозирда оила қургандан кейин дарсга келмай қўяётган, қишлоқ жойида ишлашни ор билаётган ёшларга бу оиладан ибрат олишни тавсия этардим.

Йўқ, улар давлатдан ҳам, маҳаллий ҳукуматдан ҳам имтиёз, шароит талаб этишмади. Аввал Қаршида озроқ малака ошириш, кейин унданда оғирроқ шароитга - Толлимаржон қишлоқ шифохонасига ишга боришди. Беш йил давомида чўлдаги шаҳарчада касб сирларини ўрганишга, одамларга яхшилик қилишга интилишди. Янги оила ижарада яшаб, оддийгина кун кечирди, оилада дунёга келган Дилнора ва Дилфузага биргаликда меҳр бердилар.

- Соғлиқни сақлаш вазирлигининг руҳсати билан Пахтачида қайтганимизда 60 ёшли қайнонам Мукаррам аяжонимга келинлик хизмати қила олишимдан хурсанд бўлганман, - дейди янгам.

Аслида, икки нафар фидойи шифокорнинг қайтиши Пахтачи учун ҳам байрам эди. Чунки эр-хотин тез орада ҳамкасблари, аҳоли ўртасида ўз касбини пухта биладиган, маданиятли, ҳалол врач сифатида тилга тушдилар, минглаб беморларнинг дуосини олдилар. Салим Хайриев юқумли касалликлар шифохонаси вазири, Гулнора Мирова эса физиотерапия бўлими бошлиғи бўлиб кўп йиллар ишлашди.

Гулнора опанинг врач сифатида ўз муолажа усули бор. Дардни аниқлашда ҳар бир бемор ҳолатини алоҳида ўрганади. Ҳатто дарддан фориг бўлдим, дегандан сўнг ҳам унинг аҳволини текшириб туради. Аиниқса, соғлом турмуш тарзини эримасдан тарғиб этади.

Дарвоқе, шаҳарда вояга етган янгажонининг қишлоқда яшашининг ўзи бир мактаб. Буни нафақат пахтачиликлар, ҳатто Са-



марқандда яшовчи қариндошлари ҳам яхши билишади. Боғи Эрам қишлоғидаги бу ҳовлида кўплаб ноз-неъмат етиштирилади. Келини Малоҳат билан ҳамма ишни эплашади. Рўзғорда ўнтагача қорамол, 25 бош қўй-эчки боқилади. Ёлғиз ўғли Дилшод (у туман ХТБда ишлайди) баъзан ёрдам беради.

- Тежамли рўзғор одамни меҳнатга ўргатади, бировнинг қўлига қаратмайди. Сигир соғишни, тандирда нон ёпишни яхши кўраман, - дейди ёшлигида сигирни телевизорда кўрган, нонни эса Регистон ёнидаги растадан келтириб еган аёл.

Фарзандлар ҳам ота-онаси каби меҳрибон, меҳнатқаш. Ҳар бир ҳолатда ўз билимлари, ўз кучларига таянишади. Дарвоқе, Дилнора ва

Дилфуза ота-она касбини танлашди. Нигина билан Зарина эса магистратурада ҳам ўқиб, давлат идорасида ишлашади.

Ҳақиқий муҳаббат, садоқат ана шундай қудратга эга!

Янгам акам билан 50 йил бирга яшади, лекин ҳаётдан бирор марта нолиганини эшитмадим. Ҳатто, эрининг озроқ жаҳлини ҳам яхши муомала, ширин сўз билан енгди. Биров ҳақида ғийбат қилишни ўзига эп кўрмасди.

Фақат бугина эмас, Гулнора опа тақдирнинг оғир синовларида ҳам эрига вафодорлик кўрсата олди. 2011 йилда акам дардга чалиниб, икки оёғини боса олмай қолди. Акамнинг муолажаси учун фарзандлар ёнида бирга кўйиб, бирга ёнди. Тўққиз йил давомида эридан меҳрини аямади, кеча-ю кундуз бирга бўлди. Уйда парвариш қилиш баробарида, керак бўлса, тадбирларга у кишини аравачада олиб боришни ор билмади. Фақат қариндошлар эмас, қўни-қўшни, танишлар ҳам меҳри кўёши бу аёлга ҳавас қилдилар.

Бир кун акамни зиёрат қилгани борсам, эр-хотин бир беморни назоратдан ўтказишаётган экан.

- Айланай, синглим, бизлар дўхтир бўлсак, уйда ўтирсакда, ўзлари излаб келишади. Акангиз билан ўрганиб таҳлилларини қилдириб, муолажа белгилаймиз. Қўлимиздан келгунча маслаҳат берамиз, даволаймиз. Эрим ҳам бу ишдан қувват олади, ётган жойида тиббий рисолаларни ўқийди, - дейди янгам.

Яна бир гап. Шунча ташвиш-у шунча иш билан Гулнора опанинг газета, китоб ўқишга вақт, ҳафсала топишига ҳайрон қоламан. Менимча, барча эзгу фазилатлари мутолаадан олган сабоқлари тўғрисида бўлса керак. Чунки

мен у кишининг кутубхонасида мутахассисликка оид рисолалардан ташқари Шекспир, Гёте, Хемингуэй, Майн Рид, Марсель Брион, Чингиз Айтматов каби жаҳон классиклари, ўзбек адабларидан Абдулла Қодирий, Тохир Малик, Ўткир Хўшимов, Зулфия асарларини кўрганман, уларни варақлаб турганига гувоҳ бўлганман. Ўзининг айтишича, у киши уйқунинг ҳисобидан китоб ўқир экан...

- Гулнора, - депти, акам бир куни - мен етмишдан ошдим, Охиратни ҳам ўйлаш керак. Биласиз, бизнинг қишлоқда қабр ер устидан қурилади. Хўп десангиз, битта сағана солдириб қўйсам...

- Қўйсангизчи, хўжайин, - депти янгам. - Токи тирикман, неча йил умрим кетса ҳам сизга хизмат қилишга розиман...

- Ҳаёт бу, хотин, ҳаёт... - Унда мен шунча йил Сиз билан яшадимми, у ёқда ҳам ёнма-ён бўламан. Икковимизга бирга қуришимиз, - деган Гулнора янгам.

Ваҳоланки, янгамнинг ота-онаси Шоҳизиндада ётибди.

Биласизми, бу гапларни эшитганимда янгажонимга бўлган ҳурматим минг чандон ошиб кетди, бундай садоқат олдида лол қолдим!

Минг афсуски, тақдир бу гал Гулнора опага шафқат қилмади. Акажоним узоқ давом этган оғир касалликдан сўнг шу йил 2 октябрда 73 ёшида бу дунёни тарк этдилар. Жафоқаш аёлнинг ноласи бугунда қолди...

Лекин янгам акам билан 50 йиллик бақамти умрида ўз ҳаёти, беназир қалби мисолида севги-муҳаббатга, вафо-садоқатга, аёл иродасига ҳайкал қўя олди. Буни одамлар кўриб, билиб турибди. Назаримда, дунёнинг бутунлиги ҳам жамиятда шу каби аёлларнинг борлигиди.

Янгамга мен шу ҳақда бир нарса ёзмоқчиман, десам, "қўйсангизчи, синглим, мен оддий аёллик бурчимни бажардим" деди. Аммо мен виждоним ва кўнглимга қарши бора олмадим...

Солиҳа НАРЗИЕВА,  
қишлоқ хўжалик фанлари номзоди.

**«АЛЖ САМАРҚАНД»**  
масъулияти чекланган жамияти жамоаси

XII барча юртдошларимизни  
**2021 йил**  
билан самимий қутлайди.

**Янги йил барчага улкан зафарлар, омад ва шодлик олиб келсин.**

AGTSU "ALJ-Samarqand" MCHJ

**БАЙРАМ КАЙФИЯТИ ЙИЛ ДАВОМИДА СИЗНИ ТАРК ЭТМАСИН!**

Хизматлар лицензияланган.

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТ КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТАШКИЛОТЛАРИ БИРЛАШМАСИ КЕНГАШИ**

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

вилоятимиз аҳлини яқинлашиб келаётган  
**Янги йил**  
билан қутлайди.

2021 йил барчангизга бахт-саодат, сиҳат-саломатлик, рўзгорингизга қут-барака келтирсин!

2021 йил МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗЛАР!